

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 180 (10.485) / 2005 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир Кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**Кўча**  
*Сатрафда*

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир хусусий тармоқни жадал ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш масалаларига бағишланди.

● **ПОЙТАХТ**да иш бошлаган Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрохимёгарларининг тўртинчи курултоида ушбу соҳада амалга оширилган ишлар ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилна фойдаланиш масалалари хусусида сўз борди.

● **ЯПОНИЯ**нинг Нагоя ва Осака институтлари ҳамда Россиянинг Саратов ва Урал давлат юридик академияси мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган халқаро симпозиум ушбу соҳада малакали кадрларни етказиб беришнинг истиқболли омилларига бағишланди.

● **МАННОН УЙГУР** номидagi Тошкент Давлат маданият институтида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ёшларнинг ролига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 9 сентябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубишни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосланди. Бугунги кунда ЕИ Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги деб билади.

Европа Иттифоқи халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб турган таҳдидларни бартафатли эътиборга олиб, террорчилик ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда, шунингдек, чегара ва божхона хизматларининг фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Хозир ЕИ нинг тегишли хизматлари «Ҳизб-ут-Тахрир»ни халқаро террорчилик ташиқлотлари рўйхатида киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон таклифини ўрганиб чиқ-

моқда. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳамisha устувор аҳамиятга эга. 2004 йили ўзаро савдо ҳажми 10,6 фоиз ўсиб, 1 миллиард 429 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2005 йилнинг январь-июль ойларидаги кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сал кам 8 фоиз ошган.

Таъкидлаш жоизки, кўрсаткичлар йилдан-йил ортаётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Мутахассислар бунини сабаб билан изоҳлашади. Хусусан, Европа махсулотларининг рақобатбардошлиги пасайиб бормоқда, уларни Марказий Осиёга экспорт қилишни рағбатлантирувчи молиявий механизмлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Мана шу сиёсий ва иқтисодий омилларни инобатга олиб, Европа Иттифоқи Марказий

Осиё бўйича махсус вакил лавозимини таъсис этди. Бу лавозимга узоқ йиллар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташиқлоти (ЕХХТ) Бош қотиби вазифасида ишлаган, Марказий Осиё минтақасини, бу ердаги муҳит ва шароитни яхши биладиган тажрибали сиёсатчи ва дипломат Ян Кубиш тайинланди.

Учрашувда Я.Кубишнинг махсус вакил этиб тайинланиши Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмон самимий қабул учун Президент Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВАКИЛИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — ЕИ муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқбол хусусида сўз борди. Томонлар парламентларо алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд эканини қайд этиб, истиқболда бу йуна-

лишдаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдилар.

(ЎЗА)



Осиё чемпионати — 2005

## ТОШКЕНТДА ЯНА УЧРАШГУНЧА!

Мамлакатимизда бир ҳафта давомида ўтказилган теннис бўйича Осиё чемпионати баҳслари поёнига етди. Ўтган шанба кунини ушбу турнирнинг финал учрашуви ҳамда тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. 15 та давлатнинг кучли спортчилари қатнашган китъа мусобақаларининг тўртта чемпионлик шохсупасидан учтасини ўзбекистонлик спортчилар забт этишди.

Тошкент кетма-кет иккинчи мuddатга ҳам Осиё чемпионатининг мезбони этиб белгилангани аввалмбор Осиё теннис федерациясига аъзо бўлган ақсарият китъа давлатларининг юксак ишончидир.

Бу йили 33-мартаба ўтказилган ушбу турнирнинг тарихига бироз назар ташлайдиган бўлсак, у профессионал макомга 1989 йилда эга бўлган, яъни фақат 17 йилдан сўнг китъа ўйинларида профессионал теннис усталари ҳам иштирок эта бошлаган. Кейинги 10-12 йил ичида Осиё чемпионатининг корпоратив хомийлари аниқланиши билан бирга турнир деярли барча Осиё мамлакатларида қизқиш ўй-ғотибгина қолмай, уларнинг кўпчилиги теннис бўйича ушбу нуфузли мусобақаларни ўз пойтахтларида ўтказишга ҳам шайланиб қолишди.

Аслида бу турнирга асос Гонконгда солинган бўлиб, бу давлат 1991-1994 йилларда — илк мартаба тўрт йил давомида яна китъа



ўйинларида мезбонлик қилди. 2001 йилда Осиё чемпионати яна ўз ватанига қайтди.

Тошкент 2002 йилдан бошлаб уч йил давомида Осиё китъаси катта теннисининг пойтахти бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик йилларида халқаро даражадаги йирик спорт турнирлари, шу жумладан АТР - Профессионал теннисчилар уюшмаси, ИТФ — Халқаро теннис федерация-

си, ва АТФ — Осиё теннис федерациясининг мақоми остидаги теннис мусобақаларига юқори савияда тайёргарлик қўриб, уларнинг ўтказилиши катта тажриба орттирган Тошкент Осиё теннис федерацияси қарори билан 2005-2007 йиллар давомида яна ушбу нуфузли турнирнинг қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

АТФ қароргоҳи Сингапурда жойлашган бўлиб, унга Осиёнинг 40



дан зиёд мамлакатлари аъзо. Китъанинг теннис федерацияси Шарқий, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларига бўлинади. Ҳар бир минтақани АТФ вице-президенти бошқаради. Бу борада Марказий Осиё давлатлари бўйича федерация президенти уринбосари этиб Ўзбекистон вакили сайланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Давоми 8 - бетда.

**XVI** *саҳоси*  
**ҳаср**  
Барча маълумлардан олинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида мамлакатимизнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунчилигининг бугунги ҳолати ва истиқболга бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, гоғлар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланётгани алоҳида таъкидланди.

● Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тантаналари давом этаётган айни кунларда Жиззах вилоятида 14 та замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

● Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер ҳужалиги пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш шартнома мажбуриятини бажарди. Мавжуд 15 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Биринчи теримдаёқ йиллик режа икки бараварга уддаланди.

● Бухоро вилоят марказида Компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи иш бошлади. Аниқ, табиий ва гуманитар фанлар йўналишларида таълим бериладиган ўқув даргоҳига 200 нафарга яқин қобилиятли ўғил-қиз қабул қилинди.

**Жаҳонда**

● Кеча Японияда парламентнинг куйи палатасига навабдан ташқари сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда бошқарувчи Либерал-демократик партия галаба қозонган.

● АҚШ Президенти «Катрина» тўфонидан талафот кўрган ҳудудлардаги тикланиш ишларини молиялаштириш учун 58,1 миллиард доллар миқдорига маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини имзолади. Хозирда тўфондан энг катта зарар кўрган Янги Орлеан шаҳрининг 60 фоиз ҳудуди сув остида бўлиб, кутқарувчилар қайиқ ва катерларда уйларида қолган аҳолини кутқариш ишларини давом эттирмоқдалар.

● Франция жанубидаги Нил шаҳрида сув тошқини юз берди. Натжада темир йўл тармоқлари ишдан чиқиб, автомобил қатнови тўхтаб қолди. Маълумотларга кўра, қурбонлар йўқ.

Тўқимачилик саноати - иқтисодийтимизнинг жадал ривожланаётган экспор-та йўналтирилган соҳаларидан биридир. Президент Ислам Каримовнинг та-шаббуси билан тўқимачилик ишлаб чиқаришини илгор технологияларга, жум-ладан республикада пахтани қайта ишлаш ҳажмини ошириш имконини бе-рувич технологияларга кенг қўламада ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда. Масалан, соҳанинг 15 дан ортик йирик корхонаси Швейцариянинг машҳур «Ритер» компанияси ускуналари билан жиҳозланган. Бу эса жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

«Ритер» фирмаси «Ўзбекингилсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Тошкентда янги «Арт-тек-стиль» сервис хизмат кўрсатиш ва ўқув марказини ташкил этди. Бу марказ ишлаб чиқарувчиларга янги техникани ўзлаштириш, таъмирлаш ва ишдан чиққан эҳтиёт қисмларини алмаштиришда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишда кўмаклашади.

Ушбу марказнинг очилиши Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағиш-ланган хорижий шериклар билан ҳамкор-ликда қатор янги тўқимачилик корхона-ларини фойдаланишга топшириш дасту-рининг якуний босқичи ҳисобланади.

Янги марказ «Ўзбектўқимачилик» ишлаб чиқариш бирлашмаси биноларидан бири-да фаолият кўрсатади. Умумий майдони 600 квадрат метрдан иборат ушбу иншо-от капитал таъмирланиб, бу ерда махсус техника, ахборот хизмати учун бинолар, ўқув синфлари ташкил этилди. Ушбу мар-каз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги тўқимачилик корхоналарида ўрнатилган «Ритер» фирмасининг ускуналарига ти-зимли сервис ҳамда аварияли ҳолатлар-

да хизмат кўрсатишни таъминлашни му-вофиқлаштирадиган ўзига хос қароргоҳ-га айланади.

Ўзбекистонлик мутахассисларни ишлаб чиқариш жараёнига мос шароитлар-да ўқитиш учун бу ерда яқин вақт ичида энг сўнгги русумдаги машина ва мосла-малар ўрнатилди. Марказ, шунингдек, соҳа олий ўқув юртлири талабалари ва ўрта махсус билим юртлири ўқувчилари-ни тайёрлаш, шунингдек, тўқимачи-лик саноатида меҳнат қилаётган мута-хассисларни қайта тайёрлашни ташкил этиш учун керакли махсус адабиёт ва кўргазмалар қўлланмалар билан таъмин-ланган. Уларнинг айримлари эса Швей-царияга малака ошириш учун жўнати-лади.

— Яқин келажақда соҳада калава ишлаб чиқаришни 300 минг тоннага кўпайти-риш имконини берадиган қўшимча қувват-ларни ишга тушириш режалаштирилган, - дейди «Арт-текстиль» марказининг очилиш маросимда иштирок этган «Ўзбекингил-саноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов. - Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз юқори сифатли ва жаҳон бо-


зорида харидорғир бўлишига интиломқад-миз ва бунинг учун синовдан ўтган Швей-цария, Германия, Италияда тайёрланган дунёдаги энг юксак технологияларни жалб қилмоқдамиз. «Ритер» компанияси билан ҳамкорликнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари учун ус-куналар етказиб бериш, сервис хизмати кўрсатиш ҳамда мутахассисларни тайёрлаш бўйича бутун жараёни қамраб олади. Комп-ания ёрдамида эскирган ускуналарни ал-маштириш ва ишлаб турганларини таъмир-лашни ташкил этиш учун соҳанинг барча корхоналарида тўлиқ инвентаризация ўтқа-зиш мўлжалланган. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш режа-лаштирилмоқда. Бунда харид қилинаётган машиналар учун тез ишдан чиқадиган эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқари-ш йўлга қўйилади. Ушбу эҳтиёт қисмлар-га нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам талаб катта.

Бугунги кунда «Ритер» компанияси дун-ёнинг 160 мамлакатига ускуна етказиб беради. Бироқ Тошкентдаги каби сервис хизмати кўрсатиш ва ўқув маркази ҳозир-ча Хитой ва Туркияда мавжуд, холос.

Марказнинг очилиш маросимда сўзга чиққан «Ритер» компаниясининг вице-пре-зиденти Рето Том Ўзбекистоннинг тўқи-мачилик саноати катта салоҳиятга эга экан-ини ва у мунтазам ўсиб бораётганини таъ-кидлади. Шу боис республикамиз тўқи-мачилик соҳасини ривожлантириш бора-сидига ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиб, катта истиқболга эгадир.

«Арт текстиль» марказининг очилиш маросимда Швейцариянинг Ўзбекистон-даги Факуллода ва мухтор элчиси Петер Буркхард иштирок этди.

А.ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири



## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Германия канцлери Гер-хард Шрёдер ва унинг яқинла-шаётган сайловдаги сиёсий рақиби Ангела Меркель теле-дебат ўтказишди. Гап шунда-ки, бир ҳафтадан сўнг Герма-нияда сайлов бўлиб ўтади. Бу теледебатлар сайловчиларга канцлерликка даъвогарлик қилаётган икки номзоднинг фикрини билиш имконини берди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасида ғолиблик-ни насроний демократлар ном-зоди Ангела Меркель қўлга киритган. Аммо кузатувчилар оммавий ахборот воситалари-га ўзини яхши томонга кўрсати-шга устаси фаранг бўлган Герхард Шрёдер ғалаба қили-ши мумкинлигини назардан қочиришини йўқ.

● Ироқ ҳукуматининг расмий вакили мамлакатнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн усти-дан суд жараёни 19 октябрда бошланишини маълум қилди. Саддам Хусайн билан биргалик-да унинг бир неча яқин ёрдам-чилари ҳам судда жавобгарлик-ка тортилди. Улар 1982 йил-да Богдод шимолида жойлаш-ган Дужайл шаҳрида шя маз-хабига мансуб 143 нафар ки-шини ўлдирилишида айблан-моқда.

● Хиндистондаги Чаттисгар штатида маоч қўзғолончилар томонидан содир этилган портлашлар оқибатида 24 на-фар аскар ҳалок бўлди. Аскар-лар махсус ҳимояланган маши-на ичида эди. Шунга қарамай, кучли портлаш машинани бир неча қисмга бўлиб юборди. Аскарларнинг ақсарияти воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди.

● Украина давлат қотиби Александр Зинченко истеъфо берди. Ҳозирча бу қарорнинг сабаблари номаълумлигича қолмоқда. У сайловлар пайти-да президент В.Юшченконинг сайлов компаниясига раҳбар-лик қилган эди. Мутахассислар-нинг фикрича, А.Зинченконинг истеъфосига мамлакат прези-дент маъмуриятининг ишидан норозилик сабаб бўлган.

● Янги Орлеан шаҳри (АҚШ) раҳбарияти «Катрина» довули қурбонлари ҳақидаги маълум-отларни эълон қилди. Ҳозир-ча расман 59 киши ҳалок бўлганлиги айтилмоқда. Мис-сисипи штатида ҳалок бўлган-лар сони 150 нафарга етди, деб хабар беради CNN телекомп-анияси. Бироқ мамлакат соғлик-ни сақлаш вазирлиги ҳамда инсонпарвар ташкилотлар ва-киллари довул оқибатида ҳалок бўлганлар миңдан ортиси мумкинлигини таъкидламоқда.

● Индонезиянинг Медан шаҳри (Шимолий Суматра му-зофотининг маркази) даги «По-лония» аэропорти яқинида Жа-картага учиб кетаётган Boeing-737 йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Reuters ах-борот агентлигининг хабарла-рига кўра, ҳаво лайнерининг ичида 117 нафар одам бўлган.

● Қирғизистон бош проку-ратураси мамлакатнинг собиқ бош вазири Николай Танаев-ни ҳибсга олди. Бу ҳақда Та-наевнинг адвокати Максим Максимович хабар берди. Собиқ раҳбар аҳоли бандли-гини қўлаб-қувватлаш фон-дининг 1 миллион долларга яқин пулини ўрли бошчилик қилаётган қурилиш компани-яси ҳисобига ўтказиб юборган-ликда айбланмоқда

## «Камалак»

### АЪЗОЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман хотин-қиз-лар кўмитаси ҳамда «Камолот» ЕИҲ томонидан «Болалигим —пошологим» деб аталган тadbир ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тумандаги барча умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари-ни «Камалак» ташкилотига қабул қилишга бағиш-ланган ушбу тadbирда 150 нафар болажонлар ва улар-нинг ота-оналари иштирок этишди.

Tadbir давомида туман маданият уйи ходимлари томонидан концерт дастурлари ҳам уюштирилиб, боғ маъмурияти байрам иштирокчиларига аттракционларда учишлари учун бепул чипталар тарқатишди.

— Менинг фарзандим бу йил 2-синфга қатнайди ва у ҳам «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилинди, — дейди туманда истиқомат қилувчи Сано-бар Холдорова. — Маълумки, бола ёшлигидан ташки-лий ишларда қатнаша, улғайгач унинг дунёқараши, фикрлаш доираси, тафаккури кенгайиб боради. Ҳозир-да «Камалак» ташкилоти ходимлари ҳам мана шу мақ-садда фарзандларимизни ташкилотга аъзоликка қабул қилишмоқда. Биз ота-оналар эса бундан ниҳоятда хур-сандимиз, албатта.

Озода РАҲМАТОВА

### ЯНГИ ЯПОН МАРКАЗИ

Тошкент Давлат юридик институтида Япон ҳуқуқи тadbирот маркази очилди.

Ўзбекистон ҳамда Япония давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқ-да. Айниқса, фан, таълим, маданият соҳаларидаги му-носабатлар бугунги кунга келиб ўзининг ижобий са-марасини бермоқда. 2000 йилда Тошкент Давлат юри-дик институти билан Япониянинг Нагоя университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолан-ган эди. Утган вақт мобайнида Нагоя университети тақлифи билан Тошкент Давлат юридик институти про-фессор-ўқитувчилари кун чиқар мамлакатда ўтказил-ган илмий-амалий анжуманларда иштирок этишди. 12 нафар Ўзбекистонлик талаба эса мазкур мамлакат-нинг етаци илм даргоҳларида ҳуқуқ йўналиши бўйи-ча таълим олишди.

Мазкур марказ талабаларга Нагоя университетидан масофавий таълим олиш имкониятини беради. Мар-казнинг очилиш маросимда Япония университетида таълим олаётган ўзбек талабалари билан Тошкент Дав-лат юридик институти жамоаси ўртасида ўзаро суҳбат уюштирилди. Япония ҳуқуқи тadbирот марказининг фа-лолият юртиши талабаларга япон тили ва ҳуқуқини чу-қурроқ ўрганишлари учун хизмат қилади. Марказда машғулотлар япониялик профессор-ўқитувчилар то-монидан олиб борилади.

«Туркистон-пресс»

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда кенг қўламада қури-лиш ишлари амалга ошириляётгани боис ички бозоримизда йилдан-йилга кўркам, чидамли, рақобатбардош қурилиш материаллари кўпай-иб бораётганлиги эътиборга лойиқдир. Мирзо Улуғбек туманидаги «Муратбек» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳам бу соҳада унумли меҳнат қилмоқда.

## Иқтисодиёт

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА АСОСАН

Мазкур фирма жамоаси 2003 йилдан эътиборан харидорғир, сиф-фатли, кўркам сопол черепица ҳамда плиталар ишлаб чиқариб, ми-жозларни мамнун эттишмоқда. Қувонарлиси, юртимиздаги маҳал-лийлаштириш дастурига фаол қат-нашляётган фирма аҳли маҳаллий хом ашёдан унумли фойдалана-ди.

— Истиқлоли-миз боис тadbир-корлик кичик бизнес ва хусусий ривожига катта аҳамият берилади, — дейди «Мурат-бек» фирмаси ди-ректори Бахтиёр Рустамбеков, — бу соҳадаги вази-фалар давлат си-ёсатининг усту-вор йўналишларидан бирига айланди. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган қатор Фармонлари ва Қаро-ри фикримиз далилидир. Tadbir-корнинг иши машаққатли, унинг юки-ни тортишининг ўзи бўлмайди. Дав-латимиз томонидан қўлаб-қувватла-нишимиз нафақат ўзимизга, балки ҳаммага фойдали, чунки бизга бел-рилган имтиёзлар ҳамда кафолат хал-қимиз фаровонлиги даражасининг орттишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига мустаҳкам замин бўла-ди.

Ортимиз хилма-хил табиий за-ҳираларга бой бўлиб, хатто тупроғи ҳам сифатли хом ашё сифатида иш-латилади. Хусусан Фарғона водий-сидан келтирилган тупроқнинг та-биий — қизил ранги корхона маҳ-сулотларининг кўркамлигини оши-риб, харидорғирлигини таъминлай-ди. Ички бозоримизни чуқур ўрган-

ган фирма тadbиркорлари бунёдкор халқимизнинг азалий кўп минг йил-лик анъаналарига эътибор қаратган ҳолда сополдан қурилиш матери-аллари тайёрлашга киришди.

Чунки сопол қатор афзалликлари билан алоҳида ажралиб туради. Ма-салан, табиий иқлимимизга жуда ҳам

мос, яъни об-ҳаво инжиқлик-ларига чидам-ли, экологик тоза, асосийси, қўшимча парвар-иш талаб қил-маслиги билан бошқа турдаги шу каби қури-лиш маҳсулот-ларидан фарқ-ланади. Сифат-ли хом ашё, фирма цехига ўрнатилган Ук-раинадан келти-рилган юксак унумли дастгоҳ, ускуна-лар ҳамда жиҳозлар кўмағида ишчи-лар тайёрлаган маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Шуну ало-ҳида таъкидлаш ўринлики, корхона ишчилари тайёр маҳсулотларини бую-ртмачиларнинг қўлаш-истағига кўра сифатли ўрнатиб ҳам берадилар.

Жорий йил бошидан корхона тadbиркорларининг изланишлари самар-аси ўлароқ икки турдаги янги маҳ-сулот — черепицалар тайёрланиб, синовдан ўтказилгач ишлаб чиқ-аришга тadbir қилинди. Шунингдек, мавжуд печь ҳамда дастгоҳларнинг яқин кунларда модернизация қили-ниши режаланган. Анйқ режалар за-мирида эса эзгу мақсад, яъни жамоа ахлининг захматли меҳнати тўғрйли ўзига келаятган рақобатбардош қурилиш материаллари буюртмачи-лари сафини кенгайтириш ётади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



*Тадбирлар*

## АКАДЕМИЯ ТАЛАБАЛАРИ БЎЛИШДИ

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли хайрли ва самарали натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида эълон қилинган Президентимизнинг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам таълим соҳасида катта янгилик бўлди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг сифатини оширишдан иборатдир.

Ушбу Фармон айниқса Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан шодӣналик билан кутиб олинди. Шунингдек, бу йил академияга қабул қилинган талабалар учун ҳам бу қувончли воқеадир.


Яқинда пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилишига бағишланган ва «Талабалик бағишлов» мавзuida тадбир бўлиб ўтди. Зални тўлдириб ўтирган талаба деган шарафли номга эга бўлган оппоқ халатдаги йигит-қизларнинг чехраларида шодлигу қувонч ва бахтиёрлик яққол акс этиб турарди.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академиясининг ректори, академик Шавкат Каримов кириш сўзи билан очиб Юртбошимизнинг Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони тиббиётимиз ривожига ўзига хос омил бўлишини фахр ва ифтихор билан таъкидлади. Шу билан бирга академияга қабул қилинган талабаларни чин дилдан мувоҳабат билан эътибор билан қўллади. Шунингдек, тадбирда иштирок этган меҳмонлар ҳам сўзга чиқиб, академиянинг ўтмиши ва бугуни ҳақида, шу билан бирга нуфузи юқори бўлган академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари олдида бундан буён масъулиятли вази-фалар турганлигини таъкидладилар. Шундан сўнг Тошкент тиббиёт академиясининг 1-курс талабалари фахр-ифтихор билан тантанали қасам ёд қабул қилдилар.

— Мустақиллигимиз байрами арафасида тиббиётимиз тарихида янги саҳифа очилди, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи проректори Шерзод Зокирхўжаев. — Юртбошимиз ташаббуслари ва уларнинг Фармонларига асосан икки тиббиёт институти заминида Тошкент тиббиёт академиясини ташкил бўлди. Академиянинг ташкил қилиниши икки тиббиёт институтининг механик тарзда қўшилиши эмас, балки бу янги юксак салоҳиятли билим маскани бўлиб, унинг ўқитувчи ва талабалари зиммаларига катта ва масъулиятли ва-

зифалар юкланади. Бу вази-фалардан бири — мамлакатимизда юқори савияли, малакали умумамалиёт шифокорларини етказиб бериш. Шунингдек, республикаимизда мавжуд бўлган тиббиёт институтларига ягона таълим тизимида раҳбарлик қилиш, барча илм йўналишларини мувофиқлаштириш, шифокорларимизнинг малакаларини ошириш. Ўйлайманки, келгусида ушбу вази-фаларни албатта самарали бажарамиз ва ўйлаган мақсадларимизга эришамиз.

Тадбир сўнгида сеvimли эстрада



хонандалари ижросидаги қувнок куй-қўшиқлар, гўзал рақслар тадбирга ўзгача фойз киритди.

Тантанали ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вази-рининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА:** «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Талабалик бағишлов» тадбиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

*Мўноғара, мўноғара*

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

### ҲАР НАРСАДА МЕЪЁР БЎЛГАНИ ЯХШИ

«Тошкент оқшоми» газетасининг 5 сентябрь сонида «Кўнгилдаги гаплар» руқни остида босилган Азиз Қодировнинг «Бу нима, манманликми?» мақоласини ўқиб, ўйланадими қолдик. Назаримизда дўстимиз бироз ошириб юборган кўринади. Балки у ёзганидек бундай дабдала бўлиб ва бирин-кетин тўйхонага келиб ўз «хизмат» бурини адо этиб кетиб турган санъаткорлар иштирокидаги тантанали қаердадир бўлган бўлса бордир. Лекин мингдан бир бўладиган бундай элимизга номуносиб тўйларни барчага баравар қилиб кўрсатиш адолатдан бўлмайдими.

Тўғри ҳақиқатдан кўз юмиш ҳам керак эмас. Бундан бир неча йиллар илгари бунақа тўйлар анча «болалаб» қолганди. Лекин Юртбошимизнинг тўй ва турли маросимларни тартибга солиш ҳақидаги Фармони ва жамоатчиликнинг диққат-эътибори билан тўйларимиз тартибга тушиб қолганини инкор этиш ноўрин. Тўй маросимида катнашадиган санъаткорлар ҳам чегараланиб қолган.

Масалан мен ўзим шахримизнинг Ғулломхўжа Абдуллаев номли маҳалласида истиқомат қиламан. Нега йиллардан бери маҳалламизда ўтаётган тўй тантаналари, маросимларда қатнашаман. Мана, 5-6 йил бўлптики, тўй-туркунлар ва маросимлар батариб, маҳалла фаолларининг маслаҳати билан камхарж, даб-дабасиз ўтатилади. Бошқа кўшни маҳаллаларда бўладиган тўйларни ҳам кўраёلمиз. Улар ҳам биз айтганимиздек бир рисолага тушиб қолган. Санъаткорларнинг иштироки ҳам кўнгилдагидек.

Бордию Азиз Қодиров ёзганидек, қаердадир шунақа дабдала тўйлар ўтаётган ва улар кўпчиликнинг гашини келтириб, аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган экан, уларни ҳеч бир яширмай манзилни тўлиқ кўрсатиб ёзиш керак. Сабаби, кўпчилик бундай манманликнинг қимлигини билиб қўйса ёмон бўлмайди. Тўй — хонадон фойзи, кўпчиликнинг орзу-ҳаваси. Шундай экан у ҳеч қандай ошириб-тоширилмай, эл қатори ўтгани яхши. Қолаверса бундай тўйлар ҳар томонлама фойдали. Тўй эгаси бор бисотини тўкмай, тежаб харажат қиларди, бошқалар ҳам бундан ибрат оларди. Тўйга фойз киритадиган санъаткорлар қўлаймагани, ҳар қалай бир гурӯҳ бўлгани яхши. Ана шунда тўй кўнгилли ўтади.

Карим Хўжаев

### СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Қасбим қурувчи. Катта оиланинг қарвонбошиман. Кекса онам, хотиним ва 8 та катта-кичик фарзандларим бор. Уларнинг 4 таси ўйли-жойли бўлиб кетишган. 4 та кичиги биз билан яшайди. 6 жон Чилонзордаги кўп қаватли уйларнинг иккинчи қаватида жойлашган 4 хонали уйда истиқомат қиламиз. Рўпарамиздаги 2 хонали уйда Робия исмли 80 ёшли ёлғиз кампир яшарди. Кексайиб, мункиллаб қолган онахонга оиламиз аъзолари баҳоли қудрат ёрдамлашиб турардик.

Бир кун маҳалламиз оқсоқоли хузурига қақириб қолди. Чиксам у киши: — Олимжон, биламан жўжабирдек жонсан. Зўр-базўр оилангни тебратиб турибсан. Лекин савоб ҳам керак одамга. Биласан сен билан бир қаватда яшовчи қўшини Робия кампир ёлғиз, ҳеч кими йўқ. Унинг устига ётиб қолган. Шунин сен оталигинга олсанг, Иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турсанг, — деб қолди. Мен анчадан бери оиламиз билан бирга кампирга ҳамдард, ҳамсоя бўлиб турганимизни айтдим. Шу кун оқсоқол билан онахоннинг олдига кирдик. У киши миннатдорчилик билдириб бизни дуо қилдилар. Сўхбатлашдик. Мақсадимизни айтдик. Яхши гаплар билан кўнглини кўтардик. Уша кундан бошлаб Робия хола билан дастурхонимиз бир бўлди. Онахонни ёлғизлатиб қўймадик. Хуллас беш йил у билан бирга яшадик. Шу давр ичида унинг бирор яқини йўқлаб келмади. Холидан хабар олмади.

Вақт ўтиб онахон бандаликни бажо келтирди. Ҳеч кими йўқлигини билдирмай уни ўзимиз кўмдик. Барча маросимларини ўтказдик. Кампир кўзи тириклигида ўзи ўтирган уйни бизга қолдиришга васият қилганди. Маҳалла фаоллари иштирокида васиятномани нотариус орқали расмийлаштиргандик. Ҳозир бу уйда кичик ўлимиз оиласи билан туради.

Робия холанинг йили ўтгач, унинг Қўқон шаҳрида яшовчи ўғай кизи (биз бундан бугунлай беҳабармиз. Хола бу ҳақда бизга мутлақо оғиз очмаган) бор экан. Уша кизи онаси ўлганини эшитиб келди. Ҳозир ўша (онаси ўлганлигида бир кун, ҳатто бир соат хизматига ярамаган) киз биздан уйни қайтариб беришимизни ёки уни баҳолаб ҳақини тўлашимизни даъво қилаяпти. Айтинг, биз нима қилишимиз керак? Қандай йўл тутаилки? Шу ҳақда сизлар нима дейсизлар?

Акрам Аҳмедов

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

Амир Темур хиёбони бекатидан Юнусободга қатновчи автобусга ўтирдик. Тўшлик вақти бўлгани учунми, салон анча бўш, йўловчилар сийрак эди. Хайдовчи ёнида тик турган йигит билан ўзаро сўхбатлашмоқда. Ойлик йўл қарточкаси йўқ йўловчилар чипта олиш учун у ёқ бу ёққа аланглаб чиптачини қидиришади. У салонда кўринмайди.

Лекин машина ҳар бекатда тўхтаганида хайдовчи билан ҳамсўхбат йигит дарҳол олдинги эшикдан пастга тушиб, ўрта ва орқа эшикдан тушаётганлардан йўл ҳақи ундиришни бир зум унутмайди.

«Козгистон» кинотеатри бекатида биз ҳам машинадан тушдик. Бояги йигит қаршимиздан чиқиб тўхтатди.

— Сизнинг чиптангиз?  
— Автобусда чиптачи йўқ бўлса, ҳеч ким чипта тарқатмаган бўлса, нимани кўрсатамиз?

— Нега чиптачи бўлмас экан, мана мен борман-ку.  
— Унда нега салонда юриб, йўловчиларга чипта тарқатмайсан, болам. Бизники ойлик йўл қарточкаси.  
— Кўрсатинг, — буйруқ оҳангида сўради чиптачи.  
— Наҳот, биздек қарияларнинг ҳам сўзига ишонмасанг, — деймиз ойлик йўл қарточкасини олиш учун ҳамёнимизни кавлаб.  
— Ҳозир одамларга ишониб бўлмайди, бобо, кўзингга тикилиб туриб, алдашадими.

Хуллас чиптачига ойлик йўл қарточкамизни кўрсатдик. У ҳеч ким қилмаган қилиқни қилиб, уни қўлига олдида у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди, кейин қайтариб берди.

— Ҳа, тўғри эканми?  
У индамай, бош қимирлатиб қўйди.  
— Бировдан тўғрилиқни талаб қиладиган одамнинг ўзи ҳам тўғри бўлиши керак-да, болам, — дедик биз охирида унга.

Чиптачи индамай, эндигина жойидан кўзгалган машинага сакраб чиқиб олди. Афсуски, ўша кун кўнгилчанлик қилиб машина рақамини ёзиб олишни унуттишимиз. Нима бўлганда ҳам барибир гап эгасини топади-ку.

Максуд Қобилов

— Аскар Имомжонович, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб юзлашганда жамғарма томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда маълумот берсангиз.

— Аввало шунинг айтиб ўтишимиз керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йили 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 18 октябрдаги 731-қарори ҳамда 11 та туман ҳокимликларининг қарорлари қабул қилиниб, жамғарманинг шаҳар ва туман филиаллари фаолиятини бошлади. Биз ўз фаолиятимизни Вазирлар Маҳкамасининг қўриқдаги қарори ижросини муаммалардо этишни кўзлаган ҳолда олиб бормоқдамиз. Аввало айтиш жоизки, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуумиллий дастурининг ажралмас қисми бўлган

шароитлар яратилган? — Шаҳар миқёсида оладиган бўлса биз юқорида айтиб ўтилган ҳамкорларимиз ва шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси билан жойларда тарбияси оғир, махсус рўйхатда турадиган ўсимлар ўртасида мунтазам илловий спорт тадбирларини ўтказиб келмоқдамиз. Маҳалла ва мактаб раҳбарияти тавсиясига асосан уларни спорт секцияларига жалб этиш ишлари олиб борилади.

Тиббий нуқсонли, ногирон болалар ўртасида спорт тадбирлари шаҳар ва туман миқёсида ташкил этилиб келинмоқда. Улар учун мос бўлган спорт мусобақаларини ўтказишга эътибор қаратилган. — Айни кунларда ўқувчи-ёшлар ёғи таълими яқунлаб мактаблар бағрига қайтилар. Уларнинг яхши дам олишларини ташкиллаштириш борасида ёғи мавсумида қандай ишлар амалга оширилади? — Шаҳримизда умумий 27 та

босқич зарур спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда. Жорий йилда таъмирдан чиқарилган спорт иншоотлари футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, каток ва септаклар, стол теннис кабилар билан таъминланди. Шунингдек, спорт тўрақларини методик қўлланмалар билан таъминлаш, уларга малакали спорт мураббийларини жалб этиш бўйича ҳам маълум юмушлар амалга оширилмоқда.

Шаҳримизда «Универсиада—2007» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан иш режамизга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Яъни, Собир Раҳимов туманидаги «Талабалар шаҳарчасида 25x50 ёллик сув ҳавзаси ҳамда спорт зали ўриндиқлари билан қурилиши учун 2042,5 миллион сўмлик, Ўзбекистон Миллий университети тасарруфидоги «Ёшлик» спорт аренасида 850,0 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилди.

— Жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб номланганининг ўзи ҳар бир мутасадди таш-

Ёшлар — келажагимиз

ЎН ТЎРТ ЁШЛИ ЧЕМПИОН

Тинч-осойишта юртимизда бегубор болаликнинг завқидан, истиқлол тенгдоши бўлганидан бахтиёр ўғил-қизлар айна кунда мактаб бағрида таҳсил олмақдалар. Иқтидорли, салоҳиятли, қобилиятли ёшлар улarga яратилган имкониятлар туяфайли ҳар соҳада турли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.


Жумладан, Хуршид Абдуллаев ҳам мана беш йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида спорт билан шуғулланиб келмоқда. Марказ қошида очилган «Абузайд шотакан карате-до» клуби аъзоси бўлиш ҳақраҳоминимиз бугунги кунда кўк белбоғ соҳибиди.

У мамлакатимизда болалар ўртасида ўтказилган кўплаб мусобақаларда 1-ўринларни қўлга киритган. Айни кунда клубда мураббий Дониёр Тошмухаммедов қўл остида 18 сентябрда Самарқандда бўлиб ўтадиган мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.


Ўз шогирдининг ютуқларидан қувонган Дониёр Тошмухаммедов шундай дейди: «Хуршиддон жуда тиришқоқ ўқувчиларимдан. Доимо изланишдан, ҳаракатдан чарчамайди. Бугунга келиб кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларнинг соҳибига айланди».

Ешлиқда тобланиш ҳар қандай қобилият келажақда сайқаланиб улкан иқтидорга айланади. Биз Хуршид-доннинг ҳам мана шундай иқтидор соҳибиди бўла олишига ишонамиз. Му-стақиллик тенгдошлари бўлиши ана шундай иқтидорли ёшларимизнинг ютуқлари эса доимо истиқлол тўйларига тўёна бўлади.

Холида ОРИФЖОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети 2-курс талабаси



Болалар спорти Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Лойиҳалар

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРДАН БАРЧА МИННАТДОР

Ҳақиқатдан ҳам эртанги кунимиз ёшлар қўлида. Бугунги кунда маънан ва жисмонан баркамол авлодни вояга етказишда, ёшларимизнинг барча муаммоларини ҳал этишда «Камолот» ЁИХ нинг ўрни беҳисобдир.

Айниқса бу йилги «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида жуда катта ютуқларга эришилди. Маҳаллаларда бегул компьютер сабоқлари, тилларнинг ўрганиши, уй бекаси, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш лойиҳалари, шунингдек «Кўчма спорт» ўйинлари ўтказилди. Қолаверса, мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларга Сардорлар ҳамда Етақчилар Кенгаши бириктирилиб, оромгоҳларда 12 кун давомида маънавий-маърифий тадбирлар дастур амалга оширилди. Шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларда «Камолот» кучи» мавзусида тадбирлар ўтказилди. Энг қизиғи шундаки маҳаллалардаги тарбия-

чилик билдирдилар. Лойиҳа ўқув курсларида бир ой давомида ўқиган болаларга диплом ва сертификатлар берилди. Умуман, юртимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг амалга ошираётган ишларининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятга муносиб ўрин эгаллашларида кўмаклашиш, иқтидорларини юзага чиқариш, муаммо ва камчиликлари ечимини ҳал қилиш, қисқа қилиб айтганда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилишга қаратилган. Бугунги кунда бир оддий ҳақиқатни барчамиз билиб оли-

шимиз зарур. Яъни олдимизда турган энг эзгу мақсадимизга эришиш учун мамлакатимизнинг буюк келажиғи, эртанги кунимиз, эркин ва тенг фаровон ҳаётимиз, шунингдек, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам, буларнинг барча-барчаси аввало болаларнинг ҳаётини соғломлаштириш, уларни асосида тарбиялаш, жамиятга муносиб ўрин эгаллашларида кўмаклашиш, иқтидорларини юзага чиқариш, муаммо ва камчиликлари ечимини ҳал қилиш, қисқа қилиб айтганда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилишга қаратилган. Бугунги кунда бир оддий ҳақиқатни барчамиз билиб оли-

Шоира МУҲАМЕДОВА сўхбатлашди

Мусоаба БУТУН ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар белгиландики, бу аввало келажақ авлоднинг соғлом тарбия топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса спортга бўлган эътибор ёшлар орасидан етуқ спортчилар этишиб чиқишига, нуфузли халқро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб мустақил Ўзбекистон номини дунё ичра таништиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига уйғунлашган доимий фаолиятдаги уч босқичли оммавий спорт тизими ишлаб, чиқилиб мамлакатимиз терма жамоаси сафларини нуфузли халқро мусобақаларда ҳимоя қила оладиган спортчилар билан тўлдириб бориш имкони яратилди.

Бугунги сўхбатдошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Аскар ТОЛИБЖОНОВДИР. лар спортини ривожлантириш, унинг моддий-теоик базасини тақомиллаштириш, маҳалла ёшлари ўртасида оммавий спорт тадбирларини кенг қўламда ташкил этиш мақсадида жойлардаги жимликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг стол теннис, футбол, волейбол, баскетбол, мини-футбол, эстафета ўйинлари, шахмат-шашка каби турлари бўйича спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирлари тизимли равишда ўтказилиб келинмоқда.

Жойларда маҳалла ёшлари ўртасида танкичи спортчилар билан учрашувлар, давра сўхбатлари, мулоқотлар йўлга қўйилган. Жумладан, футбол юлдузи Миржалол Қосимов, танкичи волейболчи Вера Дюнова, «Пахтакор» футбол жамоаси ҳамда «Умид ниҳоллари» мусобақалари қўлблари билан учрашувлар давра сўхбатлари ўтказилди.

Шу билан бирга Чилонзор, Шайхонтоқур, Яқасарой ва Собир Раҳимов туманларида оммавий спорт тадбирлари узлуксиз ўтказилиб келинмоқда. Масалан, Чилонзор туманининг Фафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида, Собир Раҳимов туманининг «Намуна» болалар спорт мажмуаларида шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани билан ҳамкорликда ўтказилган оилавий спорт мусобақаларида 11 та тумандан жамоалар қатнашиб, ушбу учрашувларнинг ниҳоятда оммалашиб, наҳки болалар балки катталар ўртасида ҳам қизиқиб ортиб бораётганини кўрсатди.

— Айтинчи, спорт мусобақаларига барча болаларнинг жалб қилинишига эътибор қаратилганими? Масалан, айрим тарбияси оғир ёки бирон нуқсонли, ногирон болаларга бу борада қандай

умумтаълим мактабларида, 9 та ўрта махсус касб-хунар коллежларида ёғи оромгоҳлар ташкил этилиб, бутун ёз давомида жамғармамиз ходимлари тоғ бағрида жойлашган оромгоҳ бўладими ёки шаҳар ичидagi ҳаммасида бўлишиб, кизижарли спорт мусобақаларини ўтказиб, дам олувчиларга моддий ва маънавий кўмак бериб, яхши ҳордиқ чиқаришларига шароит яратишга ҳисса қўшиб келдилар. Ёғи оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг ҳам таътил вақтини қўнғилили ўтказишлари учун ҳар ойнинг яқинида «Очиқ эшик кунлари» спорт тадбирлари ўтказилди.

— Болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Бугунги кунда жойлардаги барча маҳаллалар ҳудудида жами 323 та болалар спорт майдончаларида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунгача уларнинг 209 таси таъмирдан тўла чиқарилди. Шаҳар миқёсида 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар сони 432622 нафарни ташкил этса, шундан 190279 нафари спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Уларнинг 64748 нафарини қизлар ташкил этади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимида жами 25 та болалар ва ўсимлар спорт мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 26 та спорт турлари бўйича 832 та гуруҳларда 9922 нафар ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Ушбу спорт мактабларида 405 нафар устоз-мураббийлар сабоқ бериб келмоқдалар.

Жорий йилда 6 та спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва 3 та янги спорт иншоотларини қуриш режаланган. Айни кунларда 5 та болалар спорт майдончалари таъмирдан чиқарилиб, спорт жиҳозлари билан таъминланиб фойдаланишга топширилди. 3 та янги қурилаётган спорт иншоотларида қурилиш-монтаж ишлари олиб бориламоқда.

Айтиб ўтмоқчи эдиким, 2003-2004 йилларда шаҳримизда 6 та янги болалар спорт мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилган ва босқичма-

кюлотлар олдиға маълум мақсад ва вазибаларни юқлайди...

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан амалга оширилиб келаётган барча ишлар «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақдан баркамол бўлиб вояга етишилари йўлидаги кенг қамровли йўналишининг бир босқичидир. Бу мақсад йўлидаги ишлар ҳали изчиллик билан давом этади. Халқимизда ҳар бир қутлуғ кунни муносиб қутиб олиш, тўйга тўёна билан бориш анъанасига айланган қутиб олдиқ. Албатта бу борада шаҳар ҳокимлиги ва туман ҳокимлигининг қўшган ҳиссаси, берган ёрдамларини алоҳида таъкидлаш лозим. Янгидан қурилиб айни байрам арафасида фойдаланишга топширилган ушбу спорт мажмуасида фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари, таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари шу тумандаги 152-мактабда ҳам қайта таъмирлаш ишлари яқундаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган «Ёшлик» спорт аренаси, спорт заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилади. «Тошўйбойлоқ» оқиқ ақциядорлик жамияти билан шартнома тузилган бўлиб, ҳозирда лойиҳани смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари ёллик сув ҳавзаси ва янги спорт залини қуриш бўйича ҳам ишлар бошланиб борилади. Фикрини муктасар қилиб айтишдан ҳам бўлмас, қилинган ишлар кўп, лекин жисмонан соғлом, теран фикрли авлод саломатлиги йўлидаги режалаб қўйилган талай юмушлар навбат қутиб турибди. Биз имкон борича куч-қудратимиз, ақлий салоҳиятимизни ишга солиб, юртимизда инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотларга озми-кўлими ўз ҳиссасини қўиши йўлида ҳаракат қилмоқдамиз.


Шоира МУҲАМЕДОВА сўхбатлашди

Ҳозирги кунда Ҳамза туманидаги футболга ихтисослашган мактаб-интернатда фаолият олиб бораётган мураббий Вячеслав Алпатовни ҳам футбол ишқибозлари ва шогирдлари фахр билан тилга

ри шундоққина юзларидан билиниб турарди. Заҳматқаш мураббий нафақат ишда, балки оилада ҳам меҳрибон ота, самимий инсон эканликларини англаб етдик. «Миллионлар ўйини»нинг

да. — Мен Вячеслав Алпатовни кадрдон дўст, интилувчан мураббий сифатида қарийб ўн беш йилдан ортиқроқ вақтдан бери биланман, — дейди биз билан

Болалар спорти заҳматқашлари ФУТБОЛГА БАХШИДА УМР Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларнинг хизматлари, ибратли фазилатлари эл-юрт ва шогирдлари олдида йиллар ўтсада, ўз кадр-қимматини йўқотмай янада юксак эҳтиром ва ҳурматга лойиқ бўлиб бораверади.



олишади. Гап шундаки, кун кеча устоз В.Алпатовнинг 60 йиллик таваллуд айёми муносабати билан барча шогирдлари, дўстлари ҳамда яқинлари муборақбод этишди. Тантана ўзига хос ажойиб ўтди, барча сўзга чиққанлар устоз ҳақида илиқ тилақлар билдириб, В.Алпатовдек инсон билан бирга ишлаётганликларини мамнуният билан тилга олдидилар.

— Вячеслав Михайлович Тошкент шаҳридаги 89-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ футболга қаттиқ боғлана қолган эди, — дейди устознинг турмуш ўртоғи Раиса Петровна. — Сўхбатимизнинг асосий қисми футбол ҳақида Бундан ташқари МДХ мамлакатлари орасида ўтказилган мусобақаларда бир неча марта болабалиқлик қўлга киритди.

Унинг иқтидорли шогирдлари — Артур Юнусов, Леонид Гриднев «Ардус», Вадим Нигматулин «Машъал», Костя Свиридов «Трамвайчи» каби командаларда тўп суришмоқ-

ашаддий муҳлиси дастлаб 1958 йили пойтахтимизнинг «Текстильщик» спорт клубига аъзо бўлди. 1962 йилдан 1976 йилгача профессионал футбол билан астойдил шуғулланиб, мураббий даражасига етди. 1989-2000 йиллар мобайнида «Матонат» ҳамда «Байналмилал» ногиронлар футбол жамоасига мураббийлик қилди. У ўз жамоаси билан тинмай машқ олиб боради, уларни фақат галабага бошларди. Унинг тинимсиз меҳнатлари самараси туфайли шогирдлари 1990 ҳамда 1991 йилларда икки қарра жаҳон чемпиони ва 1994 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди.

В.Алпатовнинг барча саъй-ҳаракатлари ва республикамизнинг футбол фазилатларига қўшган муносиб ҳиссасини қадрлаб, унга 1992 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. Биз ҳам фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун тинмай изланиб меҳнат қилаётган Вячеслав Михайловичдек камтар инсонларга барча дўстлари ва шогирдлари номидан бахт ва омад тилаб қоламиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА, Аскарали МАДАЛИЕВ

Ўқув муассасаларида СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Чилонзор туманида жойлашган 1-сонли Тошкент педагогика коллежи ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги билим масканларидан бири ҳисобланади. Жумладан, таълим-тарбия даргоҳида ўқувчиларнинг фақат илм олишлари учун эмас жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етишлари, спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.

Аввало айтиш лозимки, ўқув даргоҳидаги замонавий спорт зали ҳамisha ўқувчилар билан гажвум бўлади. Ёшлар дарс жадвалига мувофиқ ва ўқишдан бўш вақтларида турли хил спорт турлари билан шуғулланиб, йил давомида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб келадилар. «Жисмоний тарбия» фан уюшмасининг ҳафталиги ўқув юрти биринчилиги учун ўтказиладиган спорт мусобақаларига яқун ясаб, баҳолаб боради. Ҳафталик давомида спортнинг деярли барча турлари бўйича финал мусобақалари ўтказилади. Гуруҳлараро волейбол, теннис, музикали гимнастика бўйича ўтказиладиган чиқишлар бугунги кунда ўқувчиларнинг энг қизғин тусда ўтадиган тадбирларидан бирига айланиб қолган.

— Мана, янги ўқув йилини ҳам муваффақиятли бошлаб олдиқ. Илмга чанқоқ, тиришқоқ, теж синовларидан муваффақиятли ўтиб, керакли балин тўппай олган ўғил-қизлар коллежимиз талабалари сафидан ўрин олишди, — дейди биз билан сўхбатда 1-педагогика коллежи директори Минавархон Исмоилова. — Албатта биз уларга пухта билим, тарбия бериш билан бирга саломатликларини

тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортга меҳр-муҳаббат эътибор қаратамиз. Уч йил давомида ўқувчиларимиз Республика, шаҳар ва туман миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида қатнашиб имконига эга бўладилар. Бир мисолни келтириб ўтсам, бу йилги Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида коллежимиз ўқувчилари спортнинг волейбол, кўл тўпи турлари бўйича қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб қайтишди...

Дарҳақиқат, бугунги кун ёшларига ҳавас қилсақ ярашади. Мустақил, озод ва обод Ватанда, эътибор ва гамхўрлик кўрсатилаётган замонда яшаш бахти насиб этди уларга. Меҳрибон, талабчан, бурч ва масъулиятини тўғри англаган устоз-мураббийларнинг ҳар бир сабоғи улар учун яна бир имконият, ҳаётда ўрниларини топишга қаратилган тўғри бир йўл. Кимки мана шу йўлни танлар экан, нури, биз ўрзу қилаётган эзгулик манзилга адашмай етиб боришини ҳаёт сабоқлари кўрсатиб турибди. Оқ йўл, сизга азиз ёшлар, омад ва ютуқлар тилаб қоламиз.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Маҳалла

# ЯНГИ ГУЗАР ОЧИЛДИ

Маҳаллани бежизга Ватан ичра кичик бир Ватан дейишмайди. Негаки ўзбекона урф-одатимизга кўра ҳар қандай шаҳс ҳаётини маҳалласиз тасаввур этиш қийин албатта. Шунининбатта олган ҳолда Истиклол йилларида маҳалла тизими тубдан янгиланди. Ҳозирда пойтахтимизнинг кўплаб сўлим гўшаларида замонавий талабларга жавоб берадиган маҳалла гузарлари қурилиши давом этмоқда. Яқинда Мирзо Улугбек туманидаги "9-Гулистон" маҳалласида яна бир янги гузар қурилиш фойдаланишга топширилди. Энг муҳими барча кулайликларга эга бўлган, шинам, кўркам бинонинг кўрку таровати ёшу кексаларнинг қалб тўридан жой олди.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, аввалги биномиз бутунлай талабга жавоб бермай қолганди, — дейди "9-Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Аҳмаджонов. — Эндиликда маҳалладошларимиз учун барча имкониятлар муҳайё этилди. Биз шундан хурсандмиз.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг дастлабки йилларида қад ростлаган собиқ гузар замонавий талаблар шароитида 9 ярим минг аҳоли, 26 миллат вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллага хизмат кўрсатиши

қийинлашиб қолганди. Шунининбатта олган шаҳар, туман "Маҳалла" ҳамғармалари мутасаддилари вазиятга одил баҳо беришди: тез ва қисқа фурсатларда янги гузар қурилиши ишлари бошлаб юборилди.

Эндиликда гузарда ҳамма шароитлар етарли. Тўй-ҳашамларга мўлжалланган алоҳида зал, маҳаллада ҳуқуқ-тартибот ишларини олиб боровчи милиция таянч пункти ва бошқа хоналар аҳолига намунали хизмат кўрсатади.

Шунининбатта алоҳида таъкидлаш мумкинки, янги гузарнинг очилиш маросими чинакам халқ шодибенасига айланиб кетди. Маҳалладошлар бир пиёла чой устида чин дилдан суҳбат қуришди. Ўзбекона куй-қўшиқ ва самимий дийдорлашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**  
**Ҳақимжон Солиҳов**  
**олган суратлар**



Ўз даврида Марказий Осиёнинг етук ижодкори, буюк мусаввир Камолиддин Бехзоднинг жорий йилда 560 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Темирийлар тарихи давлат музейида "Камолиддин Бехзоднинг жаҳон маданиятида тугган ўрни" мавзуйда илмий-амалий анжуман ўтказилди.

## БУЮК МУСАВВИРНИ ХОТИРЛАБ

Бу улкан санъаткор ўз ижоди орқали эзгулик, олижаноблик сингари фазилатларни акс эттирди ва инсониятни ҳамisha яхшилик ва гўзалликка ундади. Уша даврда яратилган барча маҳобатли иморатларга нақш бериш санъатини юксак эгаллаганлиги, воқеликни мохирона тасвирлаб ифода эта олганлиги учун ижодкор ўз замонасидаги мусаввирларнинг пешвоси деб тан олинган. Хиротда Алишер Навоий раҳнамолигида Камолиддин Бехзод буюк мусаввир сифатида шаклланди. Юртимизда мусаввирнинг ижоди доимо қадрлини келинади. У қолдирган бой маданий мерос ва анъаналарни ўрганиш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Камолиддин Бехзод номидаги давлат мукофотини таъсис этилганлиги, Республика Рассомлик ва дизайн институти ҳамда пойтахтимиздаги музейларнинг бирига унинг номи берилганлиги буюк ижодкор меҳнатига ҳуқуқимизга томонидан кўрсатилаётган эътиборнинг бир намунасиридир. Бугунги кунда ёш мусаввирлар рассомнинг ўзига хос услубларидан фойдаланиб, ижод қилишмоқда. Республикамизда буюк мусаввир ижоди ва Шарқ миниатюрасини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Анжуманда бу йўналишда кўлга киритилган ютуқлар қаторида келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида рассомнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилиши ҳам режалаштирилди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**  
**"Туркистон-пресс"**

## 2005 — Сухайт-саломатлик йили

# ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарорининг мазмун-моҳияти катта аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда муҳим ва долзарб масаладир.

Мазкур қарор билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомга кўра, ёшлар никоҳдан олдин куйидаги касалликлар: руҳий, наркологик касалликлар, таносил, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТС бўйича тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тиббий кўриқдан ўтказишдан мақсад соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ирсият билан боғлиқ туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир. Инсоннинг соғлиги, унинг бугунги кунини ва келажак авлодининг баркамоллиги жамиятимизнинг энг катта бойлиғидир. Маълумки, фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш вазифасини давлат ўз зиммасига олади.

Юқорида қайд этиб ўтилган Низом 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилди. Мазкур Низомнинг амал қилиши никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ФХДЭ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади. Никоҳга кириш учун ариза берган фуқароларнинг барчаси, истиснолар йўқ ҳолда, ёши улуглар ҳам, ўртасида фарзанди борлар ҳам, ҳомиладор аёллар, такрорий никоҳланувчилар ҳам тиббий кўриқдан сифатли ўтиши шарт.

Никоҳдан ўтиш учун фуқаролар 1 ой аввал ариза берар экан, ФХДЭ бўлими ходимлари йўлланмаси орқали никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойлари бўйича марказий шифохоналарда тиббий кўриқдан ўтиш муддати, никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Ҳамза тумани ФХДЭ бўлимида шу кунга қадар 574 та никоҳ қайд қилинган бўлиб, никоҳланувчиларнинг барчаси тиббий кўриқдан тўлиқ ва сифатли ўтишган. Низомда кўрсатилган 5 та касаллик бўйича

2005 йилда куёвда руҳий касаллик, келинда ОИТС/ВИЧ (СПИД) касаллиги аниқланди. Касали аниқланган фуқаронинг жуфти касалини билган ҳам никоҳни қайд қилишга рози бўлса, унинг розилигини ёзма равишда олган никоҳи қайд қилинади. Энг ачинарлиси шундаки, касал аниқланган фуқароларнинг барчаси ёзма равишда розилигини билдиргандан сўнг никоҳлари қайд қилинди. Бугунги кунда таносил касалликлари даволашга бўйсунмади, лекин унинг мавжудлиги эр-хотинларга, ҳатто уларнинг келажак авлодларига хавф туғдириши мумкин. Лекин, маълумки СПИД касаллигини амалда даволаб бўлмайди. Бинобарин, бу беморнинг соғлиғига хавф туғдирибгина қолмай, ҳатто жамоат хавфсизлигига ҳам раҳна солади.

Бу мисоллардан ҳам тиббий кўриқнинг моҳияти ва афзаллиги кўриниб турибди. Ҳар бир ўз наслини, оиласи саломатлигини ўйлаган бўлажак келин-куёв тиббий кўриқдан ўтгач, касаллик аниқланганда тўйғач даволанса, аччиқ армонлар, пушаймонлар камаяди.

Юқорида кўрсатилган Низомнинг ижросини тўла-тўқис таъминлаш борасида ва ёшлар онгига тиббий кўриқдан ўтишининг мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш, соғлом оилани шакллантириш, туғма ва ирсий касалликлар, туғма ногиронликларнинг олдини олиш, соғлом бола туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш ва тақомиллаштириш мақсадида Ҳамза тумани ФХДЭ бўлимида ташкил топган "Ёш оила мактаби" машғулотлари мунтазам равишда ҳар ойда олиб борилмади. Бу машғулотлар тиббиёт мутахассислари ва бошқа муассасалар ходимлари томонидан ўтказиб келинмоқда.

**Шоҳиста ПҮЛАТОВА,**  
**Ҳамза тумани**  
**ФХДЭ бўлими мудири**

## Шарқ дурдоналари



● Унутмагинки, киши ҳеч қачон таъмагир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига таъмадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан кучлироқ нарса йўқ. Газаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолнус ҳақим вафот этгач, унинг хонасидан ҳат эзилган куйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, тогдан емишини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхтатмай оғзини солаверади. Ваҳоланки, табо-табда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:

**Танпарварлик**  
бўлса доим хаёлинг,  
Қачон сенга кулиб  
боқадими иқбол?  
Гар гадосан гарчи  
шоҳнинг лашкари,  
Нафсинг орзусини  
йўқоттигил дарҳол.

● Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

● Ҳикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтининг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингга келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай ейишда давом этди. Бирок эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда холдан тойдди. Ноилжликдан бир кун аввал насихатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганимдими, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишиди, мени оёқдан қулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, — деб алам билан жавоб берди.

● Ошиқдан сўрадилар:

— Дунёда ошқ учун энг оғир ўқубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

● Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сузлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордини бунинг акси бўлиб ёлгон бўлса, барчанинг олдида қадри кетади.

● Билгиники, нодонлик ўргатилмаган хайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб, билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлашса тўғри йўлдан оздирлади.

● Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш йўлини ўтиргандан яхши. Фафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

● Мард вақт унфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши гамдан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

## Кўргазмалар

## МОЙБЎЁҚ СЕҲРИ

Куни кеча Иқо Хираяма номидаги халқаро маданият Карвонсаройида ёш ва иқтидорли расом Камолжон Бобоевнинг фалсафий ном билан аталувчи «Ўлчам» (Измерение) деб номланган кўргазмаси очилди.

Камолжон Бобоев ёш бўлишига қарамай, анчагина ютуқларни кўлга киритишга мушарраф бўлди. Ушбу иқтидорли мусаввир ўрта мактабни, расомчилик ва мусиқа лицейини аъло баҳоларга битирган, ўз устиди тинмай изланди. Сўнгра, Ўзбекистон Бадий академияси Камолдидин Бехзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти, Италиянинг Комо шаҳридаги Альдо Галли номидаги нафис санъат академиясини муваффақиятли тугаллади.

Ёшлигидан мусиқага, санъатга, расомчиликка алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндашиб, гўзалликни севиб, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, шарқона одобу ахлоққа йўғрилган удумларимизга юксак эҳтиром билан қарашга ўрганган Камол уларни ўз асарларида тасвирлашга интилади. Ана шу истак ва интилиш уни ўқишга, изланишга, гўзал суратлар яратишга чорлайверади. У ўзининг илк кўргазмасини Италиянинг Комо, Эрба, Қозогистоннинг Алмати шаҳарларида намойиш қилади ва уларни «Менин олтиним», «Менин Италиям», «Менин Комом» номлари билан атаб, мухлислар ҳукмига ҳавола қилади.

2004 йилда эса, Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Орзу», 2005 йилда Канту шаҳрида кўргазмалари бўлиб ўтди. У турли халқаро кўрик-танловлар совриндори ҳамдир. Жумладан 1999 йилда Милан шаҳрида, 2002 йилда Милано, 2001-2003

йилларда Тошкент шаҳрида ва ниҳоят 2005 йил Милан шаҳарларида ўтказилган кўрик-танловларда турли хил совринларни кўлга киритган.

— Мен ҳозир 27 ёшдаман, — дейди Камолжон Бобоев. — Орзуларим, ниятларим жудаям кўп. Ватан кадрини, ундан четда яшаганимда тушунасан деган ҳикматнинг мағзини чет элларда ўқиганимда, ишлаганимда англаб етдим. Бизнинг ўзбекона миллий тарбия, одоб ва ҳурматга йўғрилган ҳислатимизни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Миллий мусиқамизнинг нечоғлик муқаддас эканлиги, буюк боболаримиз Бобур, Навоий газалларининг юксак даражада ёзилганлигига ҳам амин бўлдим. Чизган расмларимда миллийлигимизга алоҳида аҳамият қаратдим. Ҳар бир асаримнинг бўёқларида ҳам, кўз аримас чизикларида ҳам миллийликка бўлган меҳрим сезилиб туради.

Дарҳақиқат, ёш мойбўёқ эгасининг асарларини томоша қилар экансиз, ундаги суратлар сизда гойибона сирли туйғуларни уйғотади. Миниатюра санъатининг очилган гўзал қирраларини тасвирлашга мушарраф бўлган ёш расомга ҳавас билан қарайсиз.



Гулчеҳра ДУРДИЕВА, СУРАТЛАРДА: Иқо Хираяма номидаги халқаро маданият Карвонсаройида бўлиб ўтаётган ёш расом Камолжон Бобоевнинг «Ўлчам» деб номланган кўргазмасидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Тошкентда Фанлар академиясининг математика институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ўзбек олими Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг илмий фаолиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимиз ҳамда кўшни республикалардан келган математик олимлар иштирок этди.

## ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Тошмуҳаммад Саримсоқов математика фани ривожига улкан ҳисса қўшган академик ҳисобланади. У ўз фаолияти давомида 170дан ортиқ илмий ишларга муаллифлик қилган. Олим қолдирган илмий мерос ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. Ўзбекистон Президентининг Фармонида асосан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ака-

демик Т. Саримсоқов математиканинг эҳтимоллар назарияси, математик статистика соҳаларида самарали ижод қилди. Шу билан бирга ҳозирги замон математикасининг илмий йўналишларидан бири Ярим майдонлар назариясига ҳам асос солди. Бу соҳага кўп олимлар ва қобилиятли ёшларни жалб этди.

Анжуманда олимнинг фаолиятига боғлиқ ишлар хусусида маърузалар қилинди.

## ТОШКЕНТДА ИТАЛИЯ КИНО ҲАФТАЛИГИ

Айни кунларда Республика кино музейида Италиянинг машҳур кино ижодкорларидан саналган Федерика Феллини, Викториа Песика ва Роберто Бенкин яратган фильмлари намойиш этилмоқда.

Мана тўрт йилдирки Ўзбекистонда Италия киноси ҳафталиги ўтказилиб келинади. Бу сафарги кино ҳафталигида Италиянинг комедия жанридаги «Ҳаёт шунақа», «Менин дўстим», «Уч аҳмоқ», «Италиянча никоҳ» ва «Омад» каби ўн иккитага яқин картиналари намойиш режалаштирилган. Италиянинг машҳур кино режиссёрларидан бўлган Александр Бенишутий суратга олган «Онандан бўса олсам майлими» фильми ҳам ана

шулар сирасига киради. Ушбу картина қаҳрамони Сандро исмли адвокат бўлиб, у уч синглиси ва ёши бир ҳафтага бориб қолганига қарасадан аёлларсиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган кекса отаси билан яшайди. Кунлардан бир кун шундай воқеа содир бўладики, бу воқеа оила аъзоларининг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Картина қаҳрамонлари турли саргузаштларни бошдан кечирадилар, баъзида нотўғри ту-

шунчаларга алданиб, ўз мақсадларидан чалғийдилар, лекин оқ кўнглик ва ҳалоллик уларни тўғри йўлга олиб чиқади. Ушбу фильмлар намойиш этилаётган кино музейида тез кунларда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамкорлигида Опера кечаси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

## Билиб кўйган аҳши

## ВЕЛОСИПЕДНИНГ ИХТИРОЧИСИ КИМ?

1790 йилда француз Меде де Шиврак иккита ёғоч гилдиракни, ўриндикли, лекин рўлсиз самоқат ихтиро қилган. Уни худди ҳозирги самоқат учаетган болалар каби бир оёғи билан ерга тиралганча бошқарган. Француз буни «ёғоч от» деб атаган.

Темирчи Ефим Артомонов Сибирда илк марта ба велосипедни ихтиро қилган. Уни «Артомонов араваси» дея номлашган. Бу велосипед шинасиз иккита темир гилдирак, рўл ва педалдан иборат бўлган. Хайдовчи уни олдинги гилдиракни ҳаракатлантириш орқали юргизган.

1801 йилнинг 15 сентябрида темирчи ўз «араваси»ни ҳайдаб, Верхоруальскдан Москва томон сафарга отланган. 1000 километр йўл қилиб, манзилга етиб келган. Бу ихтирога қўйил қолган Александр I темирчи ва унинг

авлодига эркинлик берган.

«Велосипед» сўзи кейинроқ пайдо бўлган. Бу лотинчада «тезюрар оёқ» деган маънони англатади. 1815 йилда немис барони Карл фон Дрейзин ўз дрезинасини ихтиро қилган. У «ёғоч от»га ричаг ва рўл ўрнатган. Барон оёқлари билан ричагини бошиш орқали орқа гилдиракни ҳаракатлантирган ва унда сайр қилган.

Шундай қилиб бугунги кундаги велосипед дунёга келган бўлиб у инсоннинг узогини яқин қилувчи восита ҳисобланади.

Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлади

## ХАНДАЛАР

— Менга, марҳамат қилиб, қалампирни узатиб юборсангиз... — мурожаат қилди ресторанда бир ҳўранда ёнидаги кишига.

— Яна нимани истайсиз! Балки мени официант деб ўйлаётгандирсиз?

— Йўқ, азизим, мен сизни тарбияли киши деб ўйлабман.

Бошлиқ хонасига котиба қиз кириб келиди:

— Биласизми, ходимларингиздан бири, машишни оширишингиз ҳақида сиз билан гаплашмоқчи эди.

— Унга мени йўқ, деб юбора қолинг!

— Бунинг иложи йўқ. У сизнинг бу ерда эканлигингизни аниқ билади.

— Ким экан у?

— У менман.

Телефонда бир соат гаплашган хотинига эри деди:

— Қойилман, дугонанг билан бугун телефонда жуда қисқа суҳбатлашдингизми?

— У дугонам эмасди-да! Мен рақамни нотўғри терган нотаниш аёл билан гаплашдим, — деди қулиб хотини.

Вокзалда чипта олмоқчи бўлган кампирдан кассир аёл сўради:

— Сиз қайси станциягача борасиз, бувим?

— Аниқ эсимда йўқ, қизим, агарда поезд секинроқ юрса, мен борадиган еримни қараб, таниб оламан, — деди кампир жиддий қиёфада.

Йўриқчи хайдовчини синаш мақсадида ундан сўради:

— Фараз қилинги, катта тезликда кетаётганингизда машинанинг бир гилдираги чиқиб кетди. Шунда сиз нима қиласиз?

— Газни босиб, гилдиракка етиб олишга ҳаракат қиламан, — деб жавоб берди хайдовчи иккиланмай.

Эрининг шимини дазмол қилаётиб чўнтагидан кинога иккита чиптани топиб олган хотин уни қайтариб яна жойига солиб қўйди. Эри «мажлисга» дея кетган, кинотеатрда борди ва директорга йиғлаб-сиктаб мақсадини баён қилди. Директор кинони бир дақиқага тўхтади ва микрофонда:

— Ўртоқлар, ораларингизда бир эркак ўзининг хотини бўла туриб бегона аёл билан келиб ўтирибди. Унинг исми-шарифини эълон қилмайман, ҳозир чироқни ўчирмай, шу пайтдан фойдаланиб чиқиб кетсин! — деди.

Чироқ ёнгандан кейин қарашлар залда бирорта ҳам эркак киши қолмаган эди.

Эрининг ароқхўрлиги жонига теккан хотин унга деди:

— Дадаси, агар ичишни ташлаганингизда, ўша ароқнинг пулига кўп нарса сотиб олган бўлардик.

— Биламан, сенга пальто, тилла тақинчок, менга эса ҳеч вақо...

Бир шўх йигитнинг хотини ўғил қўрибди. У дўсти билан туғруқхонага келиб, деразага қараб қўлларини силқиб, ирғишлармиш.

Дўстига қараб:

— Қара, қара, куляпти!

Дўсти хайрон:

— Қандай қулади у, сени кўрмаётган бўлса...

— Э, чақалонимас, ҳамширани айтаяпман.

"01"

## ҚУРИЛИШ МАСКАНЛАРИНИ ЁНГИНДАН САҚЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бўлими қурилиш масканларидаги ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилишни сўрайди:

— қўлбола усулда тайёрланган иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик;

— қурилиш вагонларида сигарета чекмаслик;

— қурилиш вагонлари ва ёнувчи буюмлар олдида олов ёқишга йўл қўймаслик;

— кислород балонлари, бўёқлар, карбитлар, тахта материалларининг бир жойда сақланишига йўл қўймаслик;

— вагондан чиқиб кета туриб электр тармоқларининг ўчилрилганлигини алоҳида назоратдан ўтказиш;

— қурилиш майдонларида болаларнинг ўйнаб юришини тақиқлаш, доимий назоратга олишни йўлга қўйиш;

— қурилиш вагонларининг тахта деворларига электр улагичлар ўрнатилишига йўл қўймаслик;

— вагонларга электр тармоғи, электр траверс орқали ўрнатилишни ташкил этиш;

— қурилиш вагонларида вақтинчалик электр симларидан фойдаланишни тақиқлаш каби кўрсатмаларга доимий равишда қатъий риоя қилиш лозим.

Қурилиш масканларида ва қурилиш вагонларида ёнгинлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир ёнгин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахс ва ишчилар томонидан юқорида қайд этилганларга масъулият билан амал қилинса қурилиш масканларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олди олинган бўлар эди.

Валижон ОБИДОВ, Ҳасан ИРИСМАТОВ, 12-ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отряди ходимлари

**Футбол**

**ШИРШОВ ЯНА МАЙДОНГА ТУШМАЙДИ**

Ўзбекистон футбол федерациясига ФИФАдан келган расмий мактубга кўра Ўзбекистон-Бахрайн терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш турнири-плей-офф баҳсининг биринчи учрашвидаги барча статистик рақамлар бекор қилинди.

Демак, 8 октябрда Тошкентда ўтадиган учрашувда яна Ширшов майдонга туша олмайди. Чунки аввалги учрашувларда олган сариқ карточкалари бунга ҳалақат беради. Дарвоқе, 3 сентябрь куни Ўзбекистон — Бахрайн терма жамоалари учрашувда ҳакам томонидан оғохлантирилган футболчилар майдонда ҳаракат қилишлари аниқ. Сабаби ўша кундаги карточкалар ҳам ўз-ўзидан кучини йўқотди.

**БИКМАЕВ ЛЕГИОНЕР ЭМАСМИ?**

Маълумки, икtidорли ёш футболчи Марат Бикмаев ҳозирда Самаранин "Крылья Советов" жамоасида тўп сурмоқда.

Қизғи шундаки, Россия футбол қондаларига кўра ўз терма жамоасида ўнга ва ундан ортиқ учрашувда иштирок этган футболчи ўз клубида легионер ҳисобланмайди.

Ҳамюртимиз Марат Бикмаев эса Ўзбекистон — Бахрайн терма жамоалари баҳсида захирадан майдонга тушди ва терма жамоа таркибидаги ўйинлари сонини ўнгага етказиб олди. Бироқ Ўзбекистон-Бахрайн терма жамоалари учрашув бекор қилинган, Бикмаев "Крылья Советов"да легионер ҳисобланмайдими ёки аксинчами, ҳар ҳолда бу масалага ФИФАнинг қарори ойдинлик киритади.

**БУНИ ВАКТ КЎРСАТАДИ**

Мароқашда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг икки кундан бери давом этаётган Конгресси ўз ишини аяунлади.

Гап шундаки, унда миллий чемпионатлардаги легионерлар сонига лимит кириштириш масаласи муҳокама қилинди. Сабаби ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг ҳисоблашича, майдонга бир вақтнинг ўзида бештадан ортиқ легионер тушмайди. ФИФАнинг қарорини қўллаб-қувватлаётган Европа футбол ассоциациялари иттифоқи (УЕФА) вакиллари таъкидлашчи, миллий чемпионатларнинг етакчи клублари хориждан футболчи харид қилиб ўз мамлакатлари ёш чарм тўп усталарининг тажриба алмашишига, маҳорати ошишига тўсиқ қўйишмоқда. ФИФА конгрессининг ушбу қарори ўзини оқлайдими ёки йўқми, буни вақт кўрсатади.

(Ўз муҳбиримиз)



**Осиё чемпионати — 2005**

**ТОШКЕНТДА ЯНА УЧРАШГУНЧА!**

Давоми. Боши 1-бетда.

Тошкентда ўтказилган бу йилги турнир доирасида АТФнинг директорлар кенгаши йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, мусобақаларнинг нуфузини янада ошириш мақсадига илк бора шу турнирдан бошлаб Осиё рейтингини жорий этилиб, спортчиларга оқчалар бериш, яъни уларнинг маҳоратларини баҳолаш тизими киритилди. Шубҳасиз, чемпионатнинг нуфузи авваламбор голибларга «Катта дубулга» туркумидаги мусобақалардан бири — «Австралиан опен» турнирининг асосий ўйинларида иштирок этиш учун йўлланма бўлса, эндиликда Осиё турнирида қатнашаётган спортчиларнинг рейтингини ҳар ҳафта давомиди таҳлил этилиб, энг юқори кўрсаткичларга эришган теннисчилар рўйхати АТР — Профессионал теннисчилар уюшмасига тақдим этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, АТФнинг Марказий Осиё бўйича вакили федерация тузилмасидаги кўмитага раис этиб тайинланди, шунингдек ўзбекистонлик ҳакам 2006 йилда «Австралиан опен» турнирида ҳакамлик қилиш йўлланмасини ҳам кўлга киритди.

Бевосита турнирнинг асосий мусобақалари шарҳига ўтадиган бўлсак, унда 18 нафар спортчиларимиз қатнашган бўлса, улар орасида умидли теннисчиларимиздан ўн нафари профессионал ракетка усталари баҳсида «wild card» бўйича иштирок этиб, ўз маҳоратини анча оширишга муваффақ бўлди.

Бу йилги мавсумни яхши бошлаган ва Осиё чемпионатида ҳам катта тайёргарлик кўрган Ирода Тулганова дастлабки уч босқинчи аъло даражада енгиб ўтди. Лекин, афсуски, яъни финалда у учинчи бўлиб сараланган тайпейлик теннисчи Су-Вей Хсянга ўйинни бой бериб қўйди.

2003 йилги Осиё чемпионатининг жуфтликдаги ўйинларида галаба қозонган Окгул Омонмуродова финалда Иродидан уч сетда мағлуб этган тайпейлик теннисчига қарши баҳс ўтказди. Кескин вазиятларга бой бўлган бу учрашув ҳамюртимиз галабаси билан аяунланди.

Эрақлар ўртасидаги мусобақаларда сўнгги босқинчига ҳамюртларимиздан фақат Денис Истомин етиб келди. Финалда у биринчи бўлиб сараланган тайпейлик Данаи Удомочк билан тенгма-тенг уч сет давомида беллашди. Денис биринчи сетни 4/6 ҳисобида рақибига бой берган бўлса, кейинчалик вазиятни кўлга олиб,

Удомочкни 6/2, 6/1 ҳисобида мағлуб этди.


Аввал айтиб ўтганимиздек, жуфтликдаги мусобақаларда эътибор асосан эрақлар ўртасида яхши натижаларга эришаётган Мурод Иноятлов ва Денис Истоминга қаратилган эди. Олег Огородов ва Важа Узоков жуфтликлари ярим финал ўйинини Рохан Бананна ва Алексей Кедрюк жуфтликларига бой бериб қўйди. Бироқ Мурод Иноятлов ва Денис Истомин финалда ҳиндистонлик ва қозғистонлик ўйинчилардан устун келишди. Иккинчи сетда бироз саросимага тушиб қолганликларига қарамадан, спортчиларимиз кейинги сетда бор имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилишди ва тайбрейкдаги олтига очко улар ҳисобида ёзилди. Натижада 2004 йилги чемпионатнинг жуфтликдаги голиблари ўз чемпионлик унвонларини яна бир бор тасдиқлаб оlishди.

Агарда Осиё чемпионати мусобақаларини таҳлил этадиган бўлсак, кейинги тўрт йил ичида кўпга спортчилари ичида ўзбекистонлик теннисчилар улкан марраларни кўлга киритганининг ғувоҳи бўламиз.

2002 йилда Ивана Исроилова чемпионатининг финалчиси, 2003 йилда Вадим Куценко — яққалиқда, Окгул Омонмуродова ва Ивана Исроилова жуфтликда голиблар, Олег Огородов ва Вадим Куценко жуфтликда — финалчилар, 2004 йилда Мурод Иноятлов-Денис Истомин — жуфтликда чемпионлик унвонига сазовор бўлишган.

2005 йилги Осиё чемпионатида бараварига тўртта ҳамюртимиз чемпионлик шохушасини эгаллагани Осиё теннис тарихида ўзига хос эсда қоларли воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз.

Пойтахтимизда бир ҳафта давомида бўлиб ўтган катта теннис байрамининг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳор Тўхтаев турнирнинг маъкие тобора ошиб бораётганига уруғ бериб, унинг бу йилги голиблари, жумладан Окгул Омонмуродова ва Денис Истомин ўз Ватани шарафини нафақат Осиё қитъасида, балки эндиликда кучли теннис усталари ўртасида ҳаққонлиқ билан Австралиа очик турнири мақоми остида дунё мамлакатлари ўртасида ҳам шараф билан ҳимоя қилишга қодир эканликларига ишонч билдирди. АТР уюшмаси доирасида ўтказиладиган ушбу «Австралиан опен» турни-



рининг ташкилий кўмитаси вакили Ричи Ги кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган мусобақаларда юқори натижаларга эришган кўпчилик спортчилар бугунги кунда дунё теннисининг биринчи элликлидаги погонасини эгаллаб турганликларини эътироф этиб, шубҳасиз, бундай шўҳрат Окгул Омонмуродова ва Денис Истоминни ҳам қутаётганини таъкидлаб ўтди.

Барча голиблар номидан сўз олган қитъа ўйинларининг 2005 йилги чемпиони Окгул Омонмуродова юртимизда тенниснинг оммавий ва профессионал даражада ривожланишига барча шарт-шароитлар яратилишида бош бўлаётган Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорчилик билдириб, ушбу турнирда спортчиларни кўллаб-қувватлаб турган Осиё теннис федерацияси, республика Теннис федерацияси, шаҳар ҳокимлигига, теннис муҳлисларига ташаккур изҳор этди, шунингдек ҳамюртимиз 2006 йилда Австралиа очик турнирида ҳам бор кучини сафарбар этиб, юқори нўққиларни забт этишга ҳаракат қилишини таъкидлаб ўтди.

XXXIII Осиё чемпионати ёпиқ деб эълон қилинди. Лекин ҳеч ким хайр демади. Барча спортчилар, ташкилотчилар ҳам «Келгуси йилда учрашгунча!» деб қўнғилди. Икки ҳафтадан кейин эса теннис ихлосмандларини яна бир нуфузли спорт байрами — WTA таснифида ўтказиладиган «Тошкент опен» турнири кутмоқда.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**  
**СУРАТЛАРДА:** финал беллашуви ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.  
**Рустам Шарипов ва Алишер Рисквев (ЎЗА) олинган суратлар.**

**Мунажжим башорати**

**ИШИНГИЗДА ОМАД ЁР БЎЛАДИ**

**13 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА**  
Куч-қудрат ва ирода сайёраси бўлмиш Марс билан инсон илоҳий моҳиятининг рамзи — Кўёш қувватларининг ўзаро ижобий таъсири ўз режаларини амалга оширишга киришган ҳар бир кишига омад бўлади. Кўёш тақвимининг 27 кунини бўлган бугун айниқса жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, саёхатлар, янги танишувлар, пул муомалалари учун манфаатли бўлади.

Лекин Кўёш билан Плутон қувватларининг ўзаро зиддиятли таъсири турли муштлашувлар, оломон ўртасида ноҳуш можаролар келиб чиқиш хавфи

ҳам мавжудлигига эътиборни жалб этади.

Мунажжим С. Илҳомов таъбирига кўра, бу — энг галати кунлардан бири бўлиб, қутилмаган ходисалар юз бериши ҳеч гапмас. Шунингдек, бугунги кун барча ноқерак нарсалардан ҳалос бўлиш кунини ҳам экан. Соч олдириш, тиш олдириш, жароҳли операцияларини амалга ошириш мумкин. Кесиб олинган соч, тиш ва аъзолар Кўёш тақвимининг иккинчи кунига асраб қўйилиб кейин кумли ерга қўйилади.

Шу кун кўчмас мулк, деҳқончилик, қурилиш материаллари билан боғлиқ ва тез ривож топадиган ишлар учун қулай ҳисобланади. Лекин бошлиқлар билан мулоқотдан тийилиб туриш керак бўлади. Дўст-биродарлар билан алоқаларини ҳам бирмунча кечиктирган маъқул. Тирноқнинг синиши қутилма-

ган касаллиқнинг келишидан оғохлантиришдир. Парранда патининг устингизга тушиши — яхши хабар белгиси.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли бўлади. Айниқса Кўёш кўтарилгандан кейин кўрилган тушлар тез ўнгидан келади. Тушда момақалдирик, чакмоқ ва оловни кўриш жуда яхши, тушда парвоз қилиш, осмон ва юлдузларни кўриш эса — орзуларингиз рўёбга чиқишидан далолат беради.

Ички аъзоларни тозаловчи муолажалар, ҳаммом, гийҳлардан дамламалар ва дори-дармонлар тайёрлаш фойдали бўлади. Умуман ҳамма учун, айниқса бемор ва дармонли қуриган кишилар учун кўпроқ ухлаб, хордик чикариш мақсадга мувофиқдир. Шу кун асаб тизими заифлашган ҳолатда бўлади, руҳий хасталиқлар ва оёқ бўғимлари огриғи хуруж қилиши мумкин.

Кийим-кечаклардан ёрқин ва ола-була либосларга устуворлик берганингиз маъқул. Қорамтир,

жигаранг ва қулранг кийимларга бугунча эътибор қилмай кўя қолинг.

**БУГУН:**

- ҳар қандай ишни ниҳоясига етказиш;
  - натижаларга яқун ясаб, яқин келажак режаларини тузиш;
  - сафарга йўл олиш, буюмларни бошқа жойга кўчириш;
  - яхши жисмоний тайёргарликни талаб этувчи иш билан машғул бўлиш;
  - жамоавий тадбирлар ва ўйин-қулгиларда қатнашиш;
  - уйлари кўтариб, барча ортиқча нарсаларни чиқариб ташлаш;
  - ҳосилни йиғиштириб олиш, қишга мева-сабзавотларни консервалашга киришиш;
  - эски кадрдонлар, қўшилар даврасида хордик чикариш тавсия этилади.
- Кўзаларингиз толиқишига, бош огриғига безътибор бўлишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ оддет усулида босилади.  
24% нусxada босилади. Қозғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бонқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га 133-74-05 телефонига муножаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқиёми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.